

МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Malikabonu Abdullaeva

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

malikabonu.abd@gmail.com

0009-0002-4642-6958

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8321090>

Аннотация: Мазкур мақолада мактабларда ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнида юзага келадиган коррупциявий омилларни, уларни юзага келишига олиб келувчи шарт-шароитлар ва хавф-хатарлар таҳлил этилган. Мақолада олимларнинг мактабларда ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнидаги коррупция хавф-хатарлари бўйича илгари сурган қарашлари орқали уларни олдини олиш масалалари ўрганилди. Мақолада олимларнинг қарашлари ва илгари сурган ғояларидан келиб чиққан ҳолда, мактабларда ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнидаги коррупциявий омилларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласи илмий, назарий, амалий ва қонунчилик нормалари орқали таҳлил этилган.

Калит сўзлар: коррупция, халқ таълими, коррупцияни олдини олиш, халқ таълимида коррупция, хавф-хатар, коррупциявий омил.

Бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Коррупциянинг олдини олдини олиш ва унга қарши курашиш давлат сиёсатининг ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Барча соҳаларда бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам коррупциянинг олдини олиш, уни юзага келтирувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда унга қарши курашиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Халқ таълими соҳасида коррупцияни юзага келтирадиган йўналишлар (соҳалар) турли хил эканлигидан келиб чиқиб, ушбу параграфда мактабга қабул қилиш ва ўқув фаолиятини ташкил этишда коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни юзага келтирадиган омиллар таҳлилига тўхталамиз. Бунда, ўқув фаолиятини ташкил этишда коррупция, унинг ўзига хос хусусиятлари, коррупциявий хавф-хатар иштирокчилари, унинг шакллари ва омиллари таҳлил этилади.

Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда юзага келадиган коррупция мактабларда ўқув фаолиятидаги коррупциянинг энг кенг тарқалган шаклларида биридир. Бунда, баҳолаш масаласида коррупция турли кўринишларда бўлади.

биринчидан, ўқувчиларни синфдан синфга ўтишда минимал баҳони (ўтиш баҳосини) олишда юзага келади. Бунда, ўқитувчилар чораклик ёки йиллик баҳоларни ўқувчиларга қуйиб бериш орқали улардан моддий ёки номоддий кўринишда манфаатдор бўлишади. Умумтаълим муассасаларининг V–XI синфлар ўқувчилари тегишли фанлардан босқичли назоратларни муваффақиятли топширганларидан сўнг кейинги синфга ўтказилади [1].

Д. Деливерски ва И. Высмуклек каби муаллифлар томонидан ҳам мактабларда режалаштириш ва бошқаришнинг барча соҳаларида, айниқса мактаблардаги ўқув фаолиятида болаларни баҳолаш ва уларни синфдан синфга ўтишда баҳолаш ва уларни дарсликлар билан таъминлаш тизими коррупция авж олган йўналишлар сифатида

қайд этилган [2, В.141-146].

Биз ҳам ушбу фикрлар билан келишган ҳолда, ўқитувчилар томонидан моддий манфаат эвазига ўқувчиларга чораклик ёки йиллик баҳоларни қўшиб бериш ҳолатларини синфдан синфга ўтишда (минимал баҳони олишда) коррупцияни келтириб чиқарадиган омил сифатида баҳолаймиз.

иккинчидан, мактабни тугатганлик бўйича ҳужжат олишда аъло даражадаги баҳо олиш мақсадида баҳоларни сунъий равишда кўтаришда юзага келади. Хусусан, умумий ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатнома (9-синфлар учун) олишда ўқувчиларни баҳолаш жараёнида айрим талаблар белгиланган. Бунда, ўқувчи таълим дастурларини (фанларни) давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштириши, VIII–IX синфлардаги барча фанлардан чораклик, йиллик ва якуний давлат аттестация баҳолари аъло бўлиши талаб этилади.

Барча фанлардан чораклик, йиллик ва якуний давлат аттестация баҳоларининг аъло даражада бўлиши жуда қийин ҳисобланади. Чунки мактабларда ўтиладиган фан предметларининг кўплиги ва болаларда барча фанларни ўрганишга нисбатан қизиқиш бир хил даражада бўлмаслиги табиий ҳол. Бундан ҳолатларда талабалар ўзлаштириш кўрсаткичини сунъий равишда кўтаришга уринишади. Чунки мактабни кумуш ёки олтин медаль билан тугатиш учун “IX синфни битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатнома”нинг бўлиши талаб этилади. Бунда, ҳам ўқувчиларда, ҳам ўқитувчиларда моддий ва номоддий манфаатдорлик ҳиссининг мавжуд бўлиши коррупциянинг содир этилишига замин яратади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон Фармонида [3] мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-хунар мактаблари битирувчиларининг шаҳодатномаси (дипломга илова)га мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичи киритилиши ва ушбу кўрсаткич олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида инobatга олиниши белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 696-сон қарори билан тасдиқланган Таълим ташкилотлари битирувчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаш ва уни олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инobatга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига мувофиқ Давлат тест маркази томонидан университетларга ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари тугаганидан сўнг, абитуриентларнинг тест синови жараёнида тўплаган балларига битирувчилар баҳоларининг ўртача кўрсаткичлари қўшилади ва танлов жараёни амалга оширилади.

Эндиликда, мактабларда олинган ўртача балл ҳам битирувчиларнинг университетларга киришида ҳисобга олинади. Бу эса, мактабда тўпланган баҳонинг қийматини янада ошириб, баҳорларни сунъий равишда кўтаришга олиб келиши мумкин.

О.Боркан, М.Линдаль ва А.Митрут каби муаллифлар ҳам мактаблар имтиҳонларида олинган ўқувчининг битирув баҳоси унинг олий таълимга киришида катта ҳисса қўшиши университетга кириш имтиҳонларининг аҳамиятини тушириб, ўрта мактабдан чиқиш имтиҳони улушининг (имтиҳон баҳосининг) аҳамиятини оширганлигини қайд этишган [4, В.180-209].

Мазкур муаллифларнинг фикрлари билан келишган ҳолда шуни айтиш мумкинки,

кириш имтиҳонларида имтиёзнинг берилиши имтиёз олишга бўлган талабни янада оширади.

учинчидан, турли имтиёзларга эга бўлиш учун мактабни кумуш ёки олтин медаль билан тугатишда юзага келади. Чунки ўрта таълим тўғрисидаги (кумуш медаль билан) шаҳодатнома ёки ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали (олтин медаль билан) шаҳодатнома олиш ўқувчининг ўзлаштириш баҳосига боғлаб қуйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 36-бандига мувофиқ кумуш медаль олишда IX синфни битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатнома билан бир қаторда, X-XI синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аъло бўлиши, олтин медаль олишда эса, ушбу талаблардан ташқари чораклик ва якуний давлат аттестация баҳолари аъло бўлиши талаб этилади.

Ушбу талабларни бажариш учун, албатта, ўқувчилар томонидан юқори баҳо олиш талаб этилади. Бунда, чораклик, йиллик ва якуний давлат аттестация баҳоларини аъло даражада олиш маълум даражада ўқитувчиларга боғлиқ. Чунки ўқитувчи юқори баҳо эвазига ўқувчидан иш (хизмат) қилишни талаб этиши ёки моддий нарсаларни талаб қилиши мумкин. Ушбу ҳолатлар коррупцияни келтириб чиқаришга шароит яратади.

Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2021/2022 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 11380 нафар иқтидорли битирувчиларига олтин ва кумуш медаллари, шундан 9412 нафар битирувчи олтин, 1968 нафари эса кумуш медаль билан битирди [5].

тўртинчидан, билимлар беллашуви ёки фан олимпиадалари орқали туман олимпиадасига болаларни дастлабки саралаш жараёнида тест топшириқлари, ёзма ва амалий ишларни ноҳолис текшириш ёки баҳоларни сунъий равишда ўзгартириш ҳолатлари мавжуд бўлиб, улар коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этишга шароит яратади.

Бунда, фан олимпиадаларини ташкил этишда коррупцияга шароит яратадиган иккита энг катта ҳолатни кўрсатишимиз мумкин:

- 1) ўқувчиларнинг фан олимпиадасида ғолибликни қўлга киритишдан манфаатдор эканлиги;
- 2) олимпиаданинг тўртинчи босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчининг ўқитувчилари ҳамда таълим муассасалари директорлари моддий жиҳатдан манфаатдор бўлиши.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ва ғолибларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ асосий олимпиадалар тўрт босқичда ташкил этилади: биринчи босқич – мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари миқёсида сентябрь ойида; иккинчи босқич – туман (шаҳар) миқёсида октябрь ойида; учинчи босқич – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида ноябрь ойида; тўртинчи босқич – республика миқёсида барча фанлардан апрель-май ойларида ўтказилади.

Бунда, ушбу олимпиадаларнинг тўртинчи босқичида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган

Ўқувчилар ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини (давлат бюджети асосида) қўлга киритишади.

Шунингдек, ўқувчилар ҳам қўшимча равишда моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Бунда, ўқувчиларнинг олимпиадада эгаллаган ўрнидан келиб чиқиб, асосий олимпиаданинг учинчи босқичида ғолиб бўлган ҳар бир ўқувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 3, 4 ва 6 баравари миқдорида, тўртинчи босқичда ғолиб бўлган ҳар бир ўқувчига эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 6, 8 ва 12 баравари миқдорида пул мукофотлари берилади [6].

Бу, ўз навбатида, ўқувчиларда (уларнинг қонуний вакилларида) моддий манфаатдорлик мавжудлигини кўрсатади. Кириш имтиҳонларида максимал баллни қўлга киритишга аксарият ҳолатларда ноҳалол йўллар орқали олимпиада ўринлари (давлат бюджетида ўқишни қўлга киритиш, қўшимча рағбатлантириш олиш) учун коррупциявий ҳаракатлар содир этилади.

Ўқитувчилар ва мактаб директорларининг моддий манфаатдор бўлиши биринчи навбатда уларни қўшимча равишда рағбатлантирилиши билан боғлиқ. Чунки таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган нуфузли халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз, асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоиз миқдорида устама ҳақи тўланади.

Шунингдек, олимпиаданинг биринчи босқични ўтказиш билан боғлиқ масалалар, назорат материалларининг махфийлигини, жараённинг адолатли ва шаффоф ўтказилишига мактаб директори масъул ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида олимпиадани ўтказишга масъул шахс сифатида директорларнинг белгиланиши, кейинги босқичларда (тўртинчи босқичда) ғолиб бўлган ўқувчи ўқийдиган мактаб директорларининг қўшимча равишда рағбатлантирилиши соҳада коррупцияни келтириб чиқаришга замин яратмоқда. Чунки тўртинчи босқичда ғолиб бўлиш учун, биринчи босқични ўтказишга масъул бўлган директорлар томонидан ўзининг ўқувчиси ютиши учун назорат материаллари олдиндан ошкор қилиниши мумкин.

Натижада, мактаб директорлари томонидан таъминланиши шарт бўлган назорат материалларининг (тест топшириқлари, ёзма ва амалий ишлар) махфийлиги бузилиб, олимпиаданинг адолатли ва шаффоф ўтишига салбий таъсир кўрсатади.

Айрим муаллифлар фикрларига кўра, мактаб таълимида коррупцияга қарши курашда ишончли жазо таҳдидлари (ўқитувчилар ва талабалар учун) ва имтиҳон давомида кузатувни кучайтириш лозим. Бунда, “closed-circuit TV (CCTV)”, яъни ёпиқ электрон телевидение (CCTV) орқали имтиҳонларни мониторинг қилиш жазо самарадорлигини оширишини қайд этишган [7, В.18].

Мактабларда ўқув фаолиятида коррупцияни юзага келтиришга замин яратадиган ҳолатлар ва омилларни бартараф этиш масаласига тўхталадиган бўлсак, унга қарши курашиш учун мактаб таълимининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Бунда, нафақат болаларни мактабга қабул қилиш тизими, балки ўқувчиларни баҳолаш тизими, ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш орқали болаларда бошланғич мактабдан бошлаб коррупцияга қарши кучли

иммунитетни шакллантириш лозим.

Коком Комаласари ва Дидин Сарипудинларнинг фикрига кўра, кичик ва ўрта мактабларнинг ўқув фаолиятида коррупцияга қарши кураш учун қуйидагиларни жорий этишни таклиф этишган: 1) ўқув дастурларига коррупцияга қарши таълимнинг интеграциясини таъминлаш; 2) коррупцияга қарши таълим модулини ишлаб чиқиш; 3) ҳалоллик дўконини ташкил этиш.

Ҳалоллик дўкони – болалар учун мўлжалланган нарсалар, жумладан, ичимликлар сотадиган, сотувчиси бўлмаган дўкон. Ҳалоллик дўкони орқали талабалар ҳалол бўлишни ўрганадилар [8, В.445]. Масалан, Индонезияда тажриба тариқасида Коррупцияга барҳам бериш комиссияси ўқувчиларда коррупцияга қарши дунёқарашни шакллантириш мақсадида мактабларда ўқувчилар учун коррупцияга қарши таълим дастури доирасида “Коррупцияга қарши таълим” модулини жорий этишган. Бунда, ўқувчилар тўққизда, яъни ҳалол, меҳнатсевар, интизомли, масъулиятли, жасур, мустақил, содда, адолатли ва ғамхўр бўлишни ўрганадилар [9, В.445].

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, мактабларда таълим жараёнларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш ўринли бўлади:

1. Давлат мактаблари ўқитувчиларининг юқори иш юкмаси ва паст даражадаги иш ҳақи билан ишлаши уларда ўз касбларига бўлган садоқатнинг ҳамда ҳалоллик даражасининг пасайишига ва оқибатда ўқувчиларнинг ота-оналаридан совға-саломлар ёки пул кўринишидаги пора олиб, таълим жараёнида уларнинг фарзандларига алоҳида яхшироқ эътибор қаратишларига сабаб бўлади. Бу эса, қолган ўқувчиларнинг сифатли таълим олиш имкониятидан маҳрум қилинишларига сабаб бўлади.

2. Ўқувчиларни баҳолаш жараёнида, жумладан жорий назорат, оралиқ назорат ва босқичли назорат шаклидаги имтиҳонларни ўтказиш жараёнларига коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмлар, жумладан ишларни ўқувчининг исм-фамилияси билан эмас, балки махсус рақамлаган ҳолда олиш каби механизмлар жорий этилмаганлиги ушбу жараёнларда коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

3. Фан олимпиадаларини ўтказиш жараёнларининг шаффоф эмаслиги, жумладан уларнинг онлайн шаклда трансляция қилиб борилмаслиги мазкур жараёнлар устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш имкониятини йўққа чиқариб, ушбу соҳада коррупцияни келтириб чиқариш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мактаб таълимида коррупциявий қилмишлар келтириб чиқарадиган оқибатлар жуда ҳам оғриқли бўлиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш зарур. Бундай иллатларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш, унинг оқибатларини бартараф этишдан кўра афзалдир.

References:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.
2. Deliversky J. Preventing corruption in the education system // Journal of Educational and Instructional Studies in the World. – 2016. – Т. 6. – №. 1. – С. 141-146; Wysmułek I. Corruption in the public schools of Europe: A cross-national multilevel analysis of education

system characteristics //International Journal of Comparative Sociology. – 2022. – С. 00207152221096841.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/5085999>

4. Borcan O., Lindahl M., Mitrut A. Fighting corruption in education: What works and who benefits? // American Economic Journal: Economic Policy. – 2017. – Т. 9. – №. 1. – С. 180-209.

5. <https://t.me/uzedu/17265>

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5621189>

7. Borcan O., Lindahl M., Mitrut A. Fighting corruption in education: What works and who benefits? // American Economic Journal: Economic Policy. – 2017. – Т. 9. – №. 1. – С. 180-209.

8. Komalasari K., Saripudin D. Integration of anti-corruption education in school's activities //American Journal of Applied Sciences. – 2015. – Т. 12. – С. 445.

9. Musofiana I. Anti-Corruption Education at an Early Age as a Strategic Move to Prevent Corruption in Indonesia //The 2nd Proceeding “Indonesia Clean of Corruption in 2020”. – 2017. P. 304-312; Komalasari K., Saripudin D. Integration of anti-corruption education in school's activities //American Journal of Applied Sciences. – 2015. – Т. 12. – №. 6. – С. 445.